

Нефть маҳсулотларини сотиш ҳақидаги

02/ 39 -сонли ШАРТНОМА

Фаргона шаҳри

2024 й. “19” 01

Кейинги ўринларда “Таъминотчи” деб аталувчи “Фаргона нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида фаолият юритувчи директори в.в.б. А.А.Абдуганиев бир томондан ва “Истемолчи” деб аталувчи Сурхон-бўйича тегишили оғза бажаришни номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари Р. Балбек иккинчи томондан, ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “Таъминотчи” Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖнинг нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига асосан ўтган ҳафтада биржа савдоларида шаклланган ўртacha котировка нархларида “Истемолчи”га сотади.

1.2. “Таъминотчи” Республика хом ашё биржаси савдоларида ютиб олган Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖ ва бошқа ишлаб чиқарувчилар, шунингдек импортёрлардан сотиб олинган нефть маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 4 апрелдаги ПҚ – 4664-сонли қарорига асосан биржа савдоларида сотиб олинган нарх устига ўзининг устамасини кўйиб “Истемолчи”га сотади.

1.3. “Таъминотчи” “Истемолчи”нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва микдордаги нефтьмаҳсулотлариниетказиб бериш, “Истемолчи” эсаётказиб берилган нефть маҳсулотларини қабул килиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятлариниушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.4. “Таъминотчи”нинг (“Фаргона нефт базаси” МЧЖ ёки унинг филиалларининг) тасарруфида мавжуд бўлган резервуарларда (АЁҚШ ёки ФЁТШларида) “Истемолчи”нинг 1 тонна нефть маҳсулотларини саклаганлиги, “Истемолчи”нинг буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини куйиб берганлиги учун “Истемолчи” “Таъминотчи”га 1 суткага 3580 сўм микдорида хизмат ҳақи тўлайди.

“Таъминотчи” (“Фаргона нефт базаси” МЧЖ ёки унинг филиаллари) мавжуд бўлган резервуарларда “Истемолчи”нинг нефть маҳсулотларини саклаганлиги, “Истемолчи”нинг буюртмасига асосан унинг техникаларига нефть маҳсулотларини куйиб берганлиги учун “Истемолчи”га ҳар ой якунни бўйича алоҳида хисоб-варака (счёт-фактура) тақдим этади.

“Истемолчи” хисоб-варака (счёт-фактура) олган кундан бошлаб 10 (үн) кун мобайнida тўловни амалга оширади.

1.5. “Таъминотчи” “Истемолчи”нинг нефть маҳсулотларини саклаш жараённида нефть маҳсулотлари туридан келиб чиқиб “Нефть, газ конденсати ва нефть маҳсулотларини қабул килиш, сақлаш, ташиш, бериш ва хисобга олиш бўйича Йўрикнома”га асосан ҳар ой якунни бўйича “Истемолчининг” нефть маҳсулотига

“табиий йўқотиши” қўллайди (табиий йўқолган нефть маҳсулоти “Таъминотчи” томонидан қоплаб берилмайди).

2. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ–КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманингтахминийумумийсуммаси 500 000 000 сўмниташкилқилади.

2.2. “Таъминотчи” “Истеъмолчи” нинг буортмаси олинган куни сотилиши сўралган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қиласди. “Истеъмолчи” мазкур нархлар асосида буортмадаги нефть маҳсулотлари партиясининг тегишлихажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни амалга оширади.

2.3. Сотиладиган нефть маҳсулотлари учун тўловлар “Таъминотчи” нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш, пластик карточкалар ва нақд пул шаклида амалга оширилади.

3. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефт маҳсулотлари “Таъминотчи” нинг омборидан ёки унга қарашли филиаллардан “Истеъмолчи” нинг буортмаси ва унда етказилиши сўралган нефть маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширганигини тасдиқловчи тўлов хужжати нусхаси тақдим этилганда сотилади.

3.2. Нефть маҳсулотлари “Истеъмолчи” га унинг сўровига асосан “Таъминотчи” нинг маҳсус автотранспортида белгиланган тартибда етказиб берилиши мумкин. Нефть маҳсулотларини шунингдек “Истеъмолчи” томонидан барча ёнғин ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган маҳсус транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиш харажатлари қайта кўриб чиқилмайди.

3.3. Нефтьмаҳсулотлари омборига нефтьмаҳсулотинитаувчи автомобиль цистерналари 1510-84 Давлат стандарти талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефть маҳсулотларининг қуйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситалари бўш кетган ҳолларда “Таъминотчи” жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефть маҳсулотлари қуийланган автоцистерналар (Истеъмолчи” нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлари бундан мустасно) “Истеъмолчи” нинг талабига биноан “Таъминотчи” нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаги меъёрий техник хужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

4. НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефть маҳсулотлари миқдор бўйича қабул қилиш “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдор жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-6-сонли ва сифати бўйича эса “Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида”ги П-7-сонли йуриқномалар ҳамда бошқа меъёрий хужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. “Истеъмолчи” нинг вакили нефть маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва миқдорини жойида текшириб олади.

4.3. Нефть маҳсулотларини сотилганлиги тўғрисидаги тегишли хужжатлар “Таъминотчи” нинг омборида ёки унга қарашли филиалларда расмийлаштирилади ва уларни “Истеъмолчи” томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефть маҳсулотларини қабул қилиб олади. Эгалик хукуки тасодифий

нобуд бўлиши, нефтьмаҳсулотларига зиён етиш хавфи “Таъминотчи” омбори ёки АЁҚШхудудидан чиқсан вақтдан бошлаб “Истеъмолчи”га ўтади.

5. НЕФТЬМАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. “Таъминотчи”“Истеъмолчи”га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадиган нефть маҳсулотларини сотишни кафолатлади. Сотилаётган нефтьмаҳсулотларининг сифати 1510- ва 2517-сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефтьмаҳсулотларини автотранспорт воситаларига юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган хужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефть маҳсулотларини олишда “Истеъмолчи” уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳукуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги қонунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. “Таъминотчи” нефть маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учун вақтида етказилмаган нефть маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

6.3. “Таъминотчи” нефть маҳсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда “Истеъмолчи”га етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефть маҳсулоти қийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди.

6.4. “Истеъмолчи” белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть маҳсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун “Таъминотчи”га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди ва таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳукуқига эга.

6.5. “Истеъмолчи” ўзининг худудига олиб келинган нефть маҳсулотларини қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёrlарига тўлиқ амал қилинишига жавобгардир.

6.6. “Истеъмолчи” етказиб берилган нефть маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.7. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) сабаб бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибда иктисодий судлар орқалиҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий хисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳукуқий кучга эга.

8.4. Шартноматомонлар ўртасида имзоланганкунданкучгакирадива 2021 йил 31 декабргачаамал қиласи.


9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ


“ТАЪМИНОТЧИ”

“Фарғона нефт базаси” МЧЖ
Манзили: Фарғона шаҳар
Тегирмон кўчаси 141-үй.
СКБ Яшнобод филиали
x/p: 22604000800215485702
23210000300215485333
МФО: 00432
ИНН: 201104250

Рахбар:  А.Абдуганиев
М.ў

“ИСТЕЙМОЛЧИ”

“Sirdaryo-So‘z” Irrigatsiya tizimlari
havza boshqarmasi
Манзит: Farg‘ona sh. Al-Farg‘oni k-si 72-uy
Tel: (73) 244-80-87, 244-67-86
SH.H.R:  STIR:204 664 130 OKED:01613
x/p: O‘zb. Resp. Moliya Vaz-gi g‘aznachiligi
ИНН/R:23402000300100001010
МФО: UKKM Markaziy bank Toshkent sh. B.B.
МФО:00014 G‘azna STIR:201122919

Рахбар  Р. Журоев
М.ў

ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Ушбу шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳукуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беради. Ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Юридик бўлим бошлиғи:



Н.Ахунташев

2022 йил 13.01 № 02/39-сонли шартномага 1 илова

“БУЮРТМАЧИ”
“Фаргона нефт базаси” МЧЖ
СПЕЦИФИКАЦИЯ

№	Нефт маҳсулотлари номи	Улчов бирлиги	1 тоннаси нархи	Микдори, тонна	Умумий суммаси
	Автобензин АИ-80	тн	10 420 784,30	—	—
	Дизель ёнилгиси	тн	11 592 841.47	11,0	127 521 256,17
	Дизель ёнилгиси ЭКО	тн	11 810 027,0	—	—
	Жами:				127 521 256,17

Изоҳ: ДИЗЕЛ ёқилгисининг нарҳи Ўзбекистон Республикаси товар ҳом ашё 27-12-2021 30-12-2021йил кунлардаги (ўтган хафтаадаги) шакланган уртacha биржса котировка нархларида ёзилаби. Ушибу нарх 08.01.2022 йил кунигача амал қалади.
Автобензин маҳсулотига биржса электрон савдолари орқали сотиб олинган маҳсулот нарҳига нефт база устамаси кўлланилиди.

Умумий жами: Бир жончиликнига сатишни шартнича веъ юз
биржасида биржасида иккича юз энгизолишини сарим 97%
Мазкур спецификация икки нусхада тузилди.

“ТАЪМИНОТЧИ”

А.А.Абдуганиев

Юридик булим бошлиғи:

“БУЮРТМАЧИ”

Н.Ахунташев

110 888 048
нрс - 16633207,2